

Тармоқ касаба уюшма кўмиталарида

СОҒЛОМ МУҲИТ ЕТАКЧИ ОМИЛ

Бугунги кунда тармоққа қарашли 146 та бошлангич ташкилотда 32 минг нафар касаба уюшма аъзолари фаолият кўрсатмоқда. Вилоят кўмитаси ўзининг иш режасини ЎзКУФКнинг III-Қурултой қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иктисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга оид масалаларни режалаштиришни олиб бормоқда.

2003 йил давомида вилоят кўмитасининг қарори билан тасдиқланган иш режасига асосан 4 та раёсат йиғилишида 60 та масала кўриб чиқилди. Утган уч йил давомида 101 та масала кўриб чиқилиб, шундан 20 дан ортиқ масала меҳнатқашлар ўртасида маънавий, маърифатни ривожлантириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт ишларини оммалаштиришни ўз ичига олган.

Утган давр ичидаги мажлисларда жамоа шартномалари орқали ходимларнинг ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшма кўмиталарининг олиб бораётган ишлари ўрганиб чиқилган. Булардан маълум бўлдики, «Намангантекстиль», «Атлас», «Нотўқимачи», Уйчи йиғирув-тўқув акциядорлик жамиятларида маънавий хоналари мавжуд бўлиб, плакатлар ҳамда керакли адабиётлар билан тўла таъминланган.

Вилоят кўмитаси томонидан тармоқ ходимларидан 70 нафари санаторийларда, 1005 нафари сийхатгоҳларда дам олиб қайтишди.

Хар йили Мустақиллик байрами арафасида 100 нафардан ортиқ тармоқ ходимлари юртимизнинг зияратгоҳ гушларига саёхатда бўлиб қайтишди. Наврўз байрамлари қорхоналарда кўтаринки руҳда ташкил этилиб, цехлар турли мавзуларда суҳбатлар, саҳна кўринишлари уюштирилади. Қабул қилинган 146 та ташкилот жамоа шартномаларида маданий-маърифий ва жисмоний тарбия ишларини ривожлантиришга маблағлар ажратилади. Тармоқ бўйича ҳар йили 3-босқичда спартакиадалар ўтказилимоқда. Масалан, утган йили Уйчи «Ипакчи» акция-

дорлик жамиятида «Отам, онам ва мен» саломатлик спартакиадаси бўлиб ўтди. 20 дан ортиқ ташкилотлардан 150 нафар ҳаваскор спортчилар иштирок этиб, голиблик учун кураш олиб бордилар. Ушбу тадбирлар учун касаба уюшмалари кўмиталари ҳисобидан 280 минг сўм маблағ сарфланди. Қувонарлиси шундаки, тармоққа қарашли ташкилотларда доимий спорт билан шуғулланувчилар сони ҳозирги кунда 5033 кишини ташкил қилмоқда. Вилоят бўйича жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга аъзолик бадаллари ҳисобидан 10 миллион 226,6 минг сўм, ҳужалик ташкилотлари ҳисобидан 16 миллион 428 минг сўм маблағ сарфланди.

2003 йил ижтимоий ҳимояга сарфланган маблағ тармоқ бўйича ҳар бир ишловчи ҳисобига 45 минг сўмни ташкил этди. Вилоят кўмитаси томонидан Меҳр ва муруват йили муносабати билан қабул қилинган дастурга асосан Рамазон, Курбон ҳайитлари, Наврўз байрамлари арафасида тармоққа қарашли кам таъминланган оила фарзандларига, меҳрибонлик уйларига ҳайр-эҳсон ёрдамлари кўрсатилди. Бу мақсадлар учун қорхона ҳисобидан 670 минг сўм, касаба уюшма кўмиталари ҳисобидан 68 минг сўм, Янги йил байрами тадбирлари учун эса 225 минг сўм, ҳужалик ташкилотлари ҳисобидан 3 миллион 59 минг сўм маблағ ажратилди.

А.НАБИЕВ,
Наманган вилоят енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси




Хамроҳимиз таълим вафан ходимлари касаба уюшма Қашқадарё вилоят кўмитаси вакили Аббор Азизов билан оромгоҳга кириб келганимизда «Ким эчилу, ким чақсон» мусобақаси ўтказилаётганини ўстидан қиздик. Болаларнинг чехраларида табасум. Шўх мусика садолари тўпланганларни янада ҳаяжонли ва қизиқарли ўйинга чорламоқда. Шу кун 1-жамоанинг «Дўстлик», 8-жамоанинг «Парвоз» командалари ўртасида ўтказилган қизиқарли ўйини болалар узоқ вақт аслаб юришса керак. Унда «Парвоз» командаси голиб деб топилди. Шаҳрисабз туманидаги



БУ ЎЗИМИЗНИНГ ЛОЛИСТОН

Болта Фозилов номли ҳужаликнинг «Лоллистон» қишлоғида жойлашган Йўлдош Охунбоев номли оромгоҳда болаларнинг ёзги таътил кунлари ана шундай мазмунли ўтмоқда. Бу ердаги барча тадбирлар аниқ дастур асосида олиб борилади. Бу йилги мавсумда 750 бола соғломлаштирилди.



Оромгоҳда 9 та жамоа бўлиб, уларга малакали мураббийлар раҳбарлик қилишмоқда. Тиббиёт ходимлари болаларнинг соғлиғидан доимо хабардор. Иходқорлар, меҳнат ардоқларини қийинлаштириш билан ўтказилаётган учрашувлар ҳам болаларда катта таассурот қолдирмоқда. Шуниси қувончлики, оромгоҳ дарвозасидан киришингиз билан навбатчилар сизни илиқ қаршилаб, ота-оналар учун ажратилган махсус жойга таклиф қилишди. - Биз оромгоҳдаги шарт-шароитни кўриб қувондик, - дейди чироқчилик Маҳмадсуф Шоймонов. - Айниқса, табиати, муздек зилди сувини айтмайсизми? - Ҳа, оромгоҳдаги ҳар бир кун ана шундай мазмунли ва мароқли ўтмоқда.

НУРБЕК
Суратларида: оромгоҳ фаолиятидан лавҳалар

Ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият

«БОҒИ ЭРАМ»

узоқ вақт болажонлар ёдида қолади

Оромгоҳни Гурўли достонидидаги Ога Усон парнинг афсонавий гўзал боғига қиёс қилиб, «Боғи Эрам» деб аташнинг беҳиз эмас. Чунки «Урганчгазуатиш» шўба қорхонасига қарашли бу дам олиш маскани Урганч шаҳрининг энг хушманзара, сўлим гўшаида жойлашган. 1982 йилдан бунён фаолият кўрсатиб келаётган оромгоҳда айна кўнларда тармоқ ходимлари болалари ўзларининг ёзги таътиллари кўнгилли ўтказмоқдалар. Бу ерда 100 ўриндан иборат иккита ётоқхона бўлиб, дам олувчилар учун барча зарур қулайликлар муҳайё этилган.

Оромгоҳнинг мавсумга тайёрлаш ишларини барвақт бошлаган эдик. Шу боис ёшлар маскани ўз вақтида мавсумга тўла шай қилинди, - дейди қор-

ишлайдиган 33 нафар педагог ва ходимлар танлаб олиниб, тиббий кўриклардан ўтказилди.

Оромгоҳга анча йиллардан бунён Мая Иброҳимова раҳбарлик қилиб келмоқда. У қаттиққўл раҳбар бўлиши билан бирга, ёшларга, ишчи-хизматчиларга ғамхўр ўстоз, яхши ташкилотчи. Дам олиш маскани атрофида баҳор давомида ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. 100 тупдан зиёд мева ва манзарали дарахтлар, 2500 тупдан зиёд гул қўқалари ўтказилди. Канализация ва ирригация тармоқлари таъмирланди. Шунинг учун бу ерга қадам қўйган киши ўзини, гуллар бағрига, чинакам «Боғи Эрам»га киргандек ҳис қилади.

Бу йил мазкур дам олиш масканининг фаолият кўрсатиши учун 21 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Шунинг 6 миллион сўми ижтимоий сугурта, 3 миллион сўмдан ортиғи эса касаба уюшмаларидан, қолганлари ҳужалик ва ота-оналар томонидан тўланади.

Эркин ЭРАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

ОНА БОРКИ, ФАРЗАНДИМ ДЕЙДИ

Бу йил Наманган вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма кўмитаси томонидан меҳнатқашларнинг 480 нафар фарзандларини мароқли ва сермазмун дам олишлари учун 14 миллион сўм маблағ ажратди.

Ҳозирги кунда тармоққа қарашли Қосонсой тумани тоғ ёнбағрида жойлашган хушманзара, сўлим «Соҳил» болалар оромгоҳи болалар билан гавжум.

Анъанага кўра 1 июндан дам олувчилар ёзги соғломлаштиришга йўл олдилар. Мавсумни юқори савияда ўтказиш борасида касаба уюшмалари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, санитария-эпидемиология назорати, ички ишлар, факулдада вазиятлар бошқармалари вакиллари бош-қош бўлмоқдалар.

«Соғлом, баркамол авлод — юрт таянчи» деганларидек, ёш авлод жисмонан ва аклан дуркун ўсишлари лозим. Ана шу мақсадда болаларимизнинг ёзги дам олишлари сермазмун ўтиши учун маънавий-маърифий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди, - дейди тармоқ кўмитаси раисаси Дилором Жўрабоева. - Бу йилги таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари учун «Марказий банк» касаба уюшмаси томонидан 4 миллион 300 минг сўм маблағ сарфланди. 160 ўринли ошхона-жўзларни янгиланди. Санитария ҳолати ўрганилиб, талаб даражасига келтирилди. Малакали педагоглар, тарбиячилар, спорт ўқитувчилари, тўғрақ раҳбарлари, тиббиёт ходимлари махсус тиббий кўриқдан ўтказилди. Болаларнинг ёзги дам олишлари мароқли ўтиши учун 200 минг сўмлик спорт анжомлари, «биринчи ёрдам» учун 100 минг сўмлик дори-дармонлар ажратилди.

Оромгоҳда бассейн, футбол, волейбол, теннис каби спорт майдончалари мавжуд. Айниқса, дам олиш масканида ташкил этилган кутубхона киши эътиборини тортади. Бу ерда кунлик матбуот нашрлари жамламаси, лотин ёзувида чоп этилган бадиий адабиётлар, ёз мавсумини тараннум этувчи фотостендлар бор.

Шароитга эътироз бўлиши мумкин эмас, - дейди фарзандларини кўриш учун келган чустлик Баҳринисоҳон опа. - Бундан болаларимиз хурсанд. Масалан бу ерда бир кунлик овқатланиш меъёри 1100-1300 сўми ташкил этаркан.

Режа асосида тарихий жойларга, табиат қўйнига саёхатга киши йўналишлари ҳам тегишли идоралар томонидан тасдиқланган. Оромгоҳ ҳужалик ишлари учун «РАФ» русумли автоулов ажратилди. Бундай хайрли ишларда Қосонсой туман давлат муассасалари ва жамоат хизмати тармоқ кўмитаси раисаси Саломатхон Давлатова, «Марказий банк», «Пахта банк», «Галла банк», «Уйжойжамгабанк» касаба уюшма кўмиталари раислари Маликхон Умаров, Маҳмуджон Раҳмонов, Садриддин Юнусов, Маҳмадали Бобомирзаевлар бош-қош бўлишмоқда.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» муҳбири

Зарбдор туманида «Элдор-1» фермер хўжалиги хузурида ун ишлаб чиқариш қорхонаси иш бошлади. «Элдор-1» тамғаси билан сотувга чиқарилаётган маҳсулотлар кўшни туманларга ҳам жўнатилмоқда.

«ЭЛДОР-1» ТАМҒАСИ БИЛАН

Ҳужалик раҳбари Абдумажид Эргашев тажрибали деҳқон. 130 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермер ўтган йили пахта ва галлада 24 миллион сўм соф фойда олди.

Фермер Осие тараккиёт банкининг имтиёзли кредити ҳисобидан хориж технологиясини сотиб олди ва қишлоққа келтириб ўрнатди. - Кунига 25 тоннача ун тайёрлаёмиз, - дейди А.Эргашев. - Хомашё топиш ва маҳсулотни сотишда муаммо йўқ.

Фермер тез орада қорхонанинг иккинчи линиясини ҳам ишга туширмоқчи. Шунда қорхона қуввати 75 тоннадан ошади. (ЎЗА)

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК



Шаҳрисабз шаҳрининг Шерозий кўчаси 2-уйида жойлашган туман ҳокимлиги қошидаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими биноси бу гал ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Эрталабдан бу ерга келаётган катта-ю кичик қалбда қувонч. Янграётган шўх мусика садолари одамлар қайфиятини янада кўтармоқда. Ана шундай кўтаринкилик билан бошланган меҳнат ярмаркасини меҳнат бўлими бошлиғи Абдуқаҳор Темиров очиб, тадбир иштирокчиларини табриқлар экан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги сийҳатқашлар натижасида кейинги пайтда бир неча киши иш билан таъминланадиган бўлиб, муқим иш жойларига эга бўлганликларини эътироф этди.

Меҳнат ярмаркасида шу кунги 31 та ташкилот ва қорхона 385 бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Айниқса, «Пилла» масъулияти чекланган жамият, Ипак курти заводи масъулияти чекланган жамият, «Кристалл» қорхонаси, «Кеш» очик ҳиссадорлик жамияти сингари қорхона ва ташкилот маъмуриятлари ушбу меҳнат байрамида фаол иштирок этдилар.

Бу галги меҳнат ярмаркасида ҳарбий хизматдан қайтган ва меҳнат бозоридан рақобатлашолмайдиган киши-фермер хўжалиги, «Ўзбекистон ёшлари» жамоатчилиги ташкилоти, «Пилла» масъулияти чекланган жамияти билан шартномалар тузилди. Ярмаркада 212 киши доимий, 69 киши мавсумий иш-

Бандлик дастури — амалда

ларни иш билан таъминлаш асосий диққат-марказимизда турибди, - дейди бўлим бошлиғи.

Уларни доимий ва мавсумий ишларга жалб қилиш мақсадида «Файзуллохон»

ларига жалб қилинди. Бундан ташқари, меҳнат бўлими қошидаги бир маргалик иш билан таъминлаш маркази ходимлари ҳам шу кунги ярмаркада иштирок этишди. Меҳнат бўлимининг асосий мақсади аҳолини иш билан таъминлабгина қолмай, меҳнат қонунчилигини тушунтириш, уларга маслаҳатлар беришдан иборат. Шу боис бўлим жамоаси ва жойлардаги 24 та меҳнат инспекторлари аҳоли ўртасида тез-тез бўлиб, уларни меҳнатга оид меъёрий ҳужжатлар билан таништириб бормоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бўлим жамоаси бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш учун ҳам аҳолига яқиндан қўмақ берапти. Меҳнат бўлимида ўзининг фидойилари анчагина. Искандар Султон, Хабибулло Жадилов, Гавхар Хусанова, Тўрачўқ Махматуллолар шулар жумласидандир.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» муҳбири

ЯРМАРКАГА — ИШ ИЗЛАБ

Ховос тумани Қаҳрамон қишлоғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Янгийер шаҳри ва Ховос туманидаги қирқдан ортиқ қорхона, ташкилот, фирма ва фермер хўжаликлари деярли икки юзта иш ўрни таклиф

этди. Қирқ нафар қишлоқ вакили ишга жойлашди. Йигирма нафар ховослик, асосан ёшлар, турли қисқа мuddатли курсларда янги касбларни эгаллаш имкониятига эга бўлди. - Иил бошидан бунён иш-

қил этилди ва ҳамюртларимизда катта қизиқиш уйғотди. Шу вақт ичида 205 та меҳнат жамоаси 1085 та иш ўрини таклиф этди. Шундан тўрт юзтасти эгалланди. Иил охиригача аҳоли зич яшайдиган туманлар, қишлоқларда яна еттига шундай ярмарка ўтказиш мўлжалланаяпти. (ЎЗА)

Тонг ғира-ширасида уйғонмоқ Мухаррамга болалигидан одат бўлиб қолган. Ушанда у завқлиниб, ичига сиймай қадрон фермаси томон йўлга чорларди. Чунки сийир соғувчилик касбига бўлган иштиёқ уни йўлга чорларди. У онасининг кўмағида бир гуруҳ чорвадорларнинг ўғит ва масалаҳатларига қўлоқ тутди. Жониворлар билан «тиллаш» осон кечмади. Қийналди, ўқинди, хатто кўзига ёш халқаланган пайтлари ҳам бўлди. Лекин бу қийинчиликлар ёш кишининг иродасини буқа олмади.

Хали мактабни битирмай, Мухаррам вилоятдаги энг номдор «Маданият» хўжалигига қарашли сўт-товар фермасига мустақил соғувчи бўлиб ишга киришга улгурди. Қарамоғидаги 20 бош соғин сигирдан энг кўп сўт соғиб олишга эришиб, тилга тушди. Фермада «Мухаррам» - менинг шоғирдим» дегувчилар кўпайди. Ишчан, оқ кўнгил ва хушсуръат бу қизни кўзини остига олганлар ҳам айна шу жамоадан чиқди.

Ҳа, Мухаррамга бахт кулиб бокди. У ўзига ухшаган бир йилгитга, аниқроғи, чорвадорга турмушга чиқди. Энди улар икковлиқ фермага қатнайдиган кўнлар келди. Мана кўнлар ойлари, ойлари йил-

муш ўртоғим бирга ишлаймиз. Шинча ҳовли, машина барча-барчаси ҳалол меҳнатларимиз эвазига бўлди, десам сира янглишмайман, - дейди қаҳрамонимиз.

Фермада 10 нафарга яқин киши иш билан банд бўлиб, 60 бош қорамоллар мавжуд. Жамият ихтиёрида 26 гектар экин майдони бор. Унинг 5 гектари пахта экилади. Қолган майдонларда чорва озуқаси билан бирга полиз, сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.

Қорамолчилик фермасига қарашли сўти қайта ишлаш, қолбаса тайёрлаш цехлари ишлаб турибди. Бу эса чорвадорларни яхшигина меҳнат қилиб, дурустроқ даромад олишларида жуда кўл келаётди. Иил моҳиятидан келиб чиқиб, жамоа муруватли ишларга ҳам бош-қош бўлаётди. Қишлоқда барпо этилган ҚВП учун 200 минг пул кўчирилди. Кўп болали, кам таъминланган оилаларни сўт билан таъминланмоқда. Байрамларда уларга гўшт улашлари.

Усмон НАВРЎЗОВ,
«Ишонч» муҳбири

ОҚ ЧАШМА СОҶИБАСИ

ларга улашиб, қайноқ дамлар хийла узоқларда қолди. Бугун уларнинг турмуш қурганига йигирма йилдан ошиб кетди. Бу орада улар 5 нафар суюкли фарзандларнинг мухтарам волидаси азия азизи бузуқворига айлангани. Келинлар қилиб, неварани кўриш бах-

Жиноятга — жазо муқаррар

НАФС БАЛОСИ ҚИНФИР ЙЎЛГА БОШЛАДИ

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилганлиги эркин иқтисодий ҳужжатларнинг олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Оқтўнли қишлоғида ўтказилган текширувда эса шу ҳудудда яшовчи Нуриддин Хўжақулов ўз бошқарувидаги «ЗИЛ-431610» маркали, давлат рақамли 18 АС 447 бўлган юк автомашинасида 4200 килограмм пахта чигитини ноқонуний олиб кетаётганда ушланди. Маълум бўлишича, у ушбу маҳсулотни Қасби туманида номаълум қимсадан 200 минг сўмга сотиб олиб, уни қайта пуллаш мақсадида олиб кетаётган экан. Хозирда ҳар иккала ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Алқисса, қинғир иш - келтирар ташвиш деганларидек, ўз нафсини жиловини бўш қўйган қимсаларнинг эл олдида юзи шувут бўлди.

К.ЧОРИЕВ,
Чироқчи туман прокуратураси хузуридаги солиқ ва валюта оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходими



ДУШАНБА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома» 8.45 ТВ маркет 8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.20 Кўрсатувлар дастури 18.25 Истиклол умидлари 18.45 ТВ-афиша 18.50 Мумтоз наволар...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби 17.20 ТВда сериал «Луиза Фернанда»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби 17.20 ТВда сериал «Луиза Фернанда»...

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар» 7.45 «Бардам бўлинг» Тонгги дам олиш дастури...

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар» 7.45 «Бардам бўлинг» Тонгги дам олиш дастури...

ЧОРШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

ПАЙШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...



«Эги таътил кунларида»

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

ЯКШАНБА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

